

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКАНОВ КУАТБАЙ КОШКАРБАЕВИЧ**

**ОРОЛБЎЙИ МУРАККАБ ЭКОЛОГИК ШАРОИТИДАГИ  
ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШДА  
ГЕОИНФОРМАТИКА МЕТОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

**11.00.06. – Геодезия. Картография**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

УДК: 528.1:504.75:631.1(575.1)

География фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси  
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по географическим наукам

Content of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD) on  
geographical sciences

**Беканов Куатбай Кошкарбаевич**

Оролбўйи мураккаб экологик шароитидаги ерлардан фойдаланишни  
оптималлаштиришда геоинформатика методларини қўллаш .....3

**Беканов Куатбай Кошкарбаевич**

Оптимизация землепользования в сложных экологических условиях  
Приаралья с использованием методов геоинформатики..... 19

**Bekanov Kuatbay Koshkarbaevich**

Optimization of land use in difficult ecological conditions of the Aral Sea basin  
using methods of geoinformatics.... .....35

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА ТУЗИЛГАН БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕКАНОВ КУАТБАЙ КОШКАРБАЕВИЧ**

**ОРОЛБЎЙИ МУРАККАБ ЭКОЛОГИК ШАРОИТИДАГИ  
ЕРЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШДА  
ГЕОИНФОРМАТИКА МЕТОДЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

**11.00.06. – Геодезия. Картография**

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация қўмитасида В2019.4.PhD/Gr125 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.paika.uz](http://www.paika.uz)) ва «Ziyoune» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyoune.com](http://www.ziyoune.com)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Сафаров Эшқобул Юлдашович</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Аденбаев Бахтиёр Ембергенович</b> география фанлари доктори <b>Ойматов Рустам Қамариддинович</b> техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Тупроқшунослик ва агрохимё илмий тадқиқот институти</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «28» декабрь соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: [ik-geografiya.uz@uzmail.ru](mailto:ik-geografiya.uz@uzmail.ru) (Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№/60 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4-уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» декабрь куни тарқатилди.  
(2021 йил «16» декабрдаги 36-рақамли реестр баённомаси).

**Н.Н.Сабитова**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор  
**Ш.М.Шарипов**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.и., доцент  
**З.Н.Тоқиева**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги илмий  
семинар раиси, г.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ер ресурслардан оқилона фойдаланиш учун аниқлиги юқори ва ресурс тежамкор методлар ва технологояларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Сўнгги бир неча ўн йилликларда кўпгина мамлакатларда чўлланиш ва ерларнинг деградацияга учраётгани ва бунинг оқибатида дунё бўйича қарийб 2 миллиард гектар ер майдони яроқсиз ҳолатга келганини ҳисобга олсак<sup>1</sup> ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш ва уларнинг аниқлиги, тезкорлигини оширадиган технологияларни амалиётга жорий этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан олиб қараганда, ерлардан, айниқса қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни илмий асосланган ҳолда оптималлаштиришда чўллашаётган ва деградацияга учраётган ерларни мониторингини олиб бориш ва зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун замонавий геоинформацион технологиялар ва масофадан зондлаш усуллари қўллашни тақозо этади.

Жаҳонда мазкур йўналишдаги тадқиқотларга, айниқса, мураккаб экологик шароитдаги чўллашаётган ва деградацияга учраётган ерларнинг мониторингини олиб бориш, уларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва фойдаланиш усуллари такомиллаштиришга устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, қатор соҳаларда кенг фойдаланиб келинаётган ГАТ технологиялари орқали геомаълумотлар базасини яратиш, ҳудудларнинг табиий шароити ва ер ресурслари ҳолатини баҳоловчи web-карталар сериясини тузиш, масофадан зондлаш усуллари асосида космик ва дронлардан олинган суратлардан фойдаланиб қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштириш моделини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва сезиларли ижобий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...глобал иқлим ўзгаришлари ва Орол денгизи қуришининг қишлоқ хўжалиги ривожланиши ҳамда аҳолининг ҳаёт фаолиятига салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чора-тадбирлар кўриш»<sup>2</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, Оролбўйи ҳудудларида экологик шароитни яхшилаш, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланишни йўлга қўйиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштиришда замонавий геоинформацион, масофадан зондлаш усулларидан фойдаланиш борасида амалга ошириладиган тадқиқотларни янада чуқурлаштириш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали

<sup>1</sup> <https://old.xs.uz/index.php/homepage/i-tisodijot/item/8112-erdan-samarali-va-o-ilona-fojdanish>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони.

фойдаланиш» тўғрисидаги концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ҳамда 2020 йил 7 сентябрдаги ПФ-6061-сон «Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2021 йил 29 июлдаги ПҚ-5202-сон «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2021 йил 18 майдаги «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисида»ги махсус резолюциясини амалга ошириш чоралари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг IV «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» ва V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф – муҳит муҳофазаси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш ва карталаштиришнинг назарий ва услубий асослари хорижий олимлардан R.A. Ressler, R.K. Saxena, R.M. Pofali, L.R.Hirekerur, Jun-feng, LI Chang-feng, Zhang Hong-hui, Lina Hao, Pirjo Peltonen-Sainio, И.Ю.Левицкий, В.П.Шоцкий, А.П.Золовский, Т.И.Козаченко, И.П.Заруцкая, Т.В.Верещака, П.П.Лебедев, А.В.Постников, А.Г.Костяной, А.Н.Косарев, Ф.Миклин, Н.В.Аладин, И.Плотников ва бошқа олимлар томонидан мазкур йўналишда илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Республикамизда Оролбўйи мураккаб экологик шароитдаги ерларидан самарали фойдаланиш ва карталаштириш бўйича тадқиқот ишлари А.А.Рафиқов, Т.М.Мирзалиев, Б.Жоллибеков, Н.И.Сабитова, Э.Ю.Сафаров, Ж.С.Қорабоев, А.А.Нигматов, И.А.Хасанов, П.Р.Реймов, В.А.Рафиқов, А.К.Уразбаев, И.М.Мусаев, Ш.М.Пренов ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган ҳамда маълум даражада ютуқларга эришилган.

Юқорида келтирилган ишларда геоинформацион методлар орқали Оролбўйи мураккаб экологик шароитдаги қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштириш ва карталаштиришга бағишланган тадқиқотлар етарли даражада ўрганилмаган.

Мазкур диссертация, Оролбўйи ҳудудларининг қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштириш ишлари бўйича картографик метод билан биргаликда геоинформацион технологиялар, масофадан зондлаш усулларидан фойдаланиб, мавжуд ер ресурсларидан самарали фойдаланишга оид тадбирлар мажмуасини илмий жиҳатдан ўрганишга бағишлангани билан юқорида келтирилган олимларнинг ишларидан фарқ қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети ва Қорақалпоқ давлат

университети илмий тадқиқотлар режасининг ФЗ-201908019 - «Қорақалпоғистон Республикасини табиий-географик вазиятини яхшилашда нозогеографик карталарини ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш» (2020-2022йй.) мавзусидаги амалий тадқиқотлари грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** замонавий геоинформацион, картографик ва масофадан зондлаш методлари асосида Оролбўйи мураккаб экологик шароитидаги ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Оролбўйи худудларининг ер ресурслари ҳолатини таҳлил қилиш ва ГАТ маълумотлар базасини яратиш;

ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришда масофадан зондлаш усулларини қўллаш ва аэрокосмик суратларни фазовий топогеодезик боғлаш;

Оролбўйи худудининг ер ресурслари web-карталари сериясини яратиш;

ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришнинг геоинформацион моделини ишлаб чиқиш;

Оролбўйи мураккаб экологик шароитидаги ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришда геоинформацион, картографик ва масофадан зондлаш методларини қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг Оролбўйи мураккаб экологик шароитидаги қишлоқ хўжалиги ерлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** замонавий геоинформацион методлар ва технологиялар асосида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштириш моделини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида дала тадқиқот ва аэрокосмик, картографик, масофадан зондлаш, математик моделлаштириш, статистик таҳлил, географик ахборот тизимлари, фазовий таҳлил, чизикли дастурлаш симплекс, web-картага олиш каби методлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

ГАТ дастурлари асосида Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурслари географик маълумотлар базасини яратиш услубияти такомиллаштирилган;

қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ифодаловчи карталарни яратиш жараёнлари замановий ГАТ дастурлари асосида автоматлаштирилган;

масофадан зондлаш усуллари асосида ўсимликларнинг нормаллашган фарқлаш индекси ва ер турлари карталаридан фойдаланиб ер ресурслари мониторинги такомиллаштирилган;

Esri Story Map Series дастури орқали Қорақалпоғистон Республикаси Оролбўйининг ер ресурслари web-карталари серияси яратилган;

ArcGIS дастурида Python ва Model builder визуал дастурлаш тилларини қўллаб, сценарий карталари асосида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ГАТ технологияларининг ArcGIS дастурида тадқиқот объекти бўйича ер ресурслари геомаълумотлар базаси яратилган;

ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришда масофадан зондлаш усуллари қўллаш орқали ер мониторинги ўтказилган,

учувчисиз учуш аппаратлари (дронлар) ёрдамида экин майдонларининг деградацияга учраш ҳолати аниқланган ва йирик масштабли карталари яратилган;

Оролбўйи ҳудудининг ер ресурслари ҳолатини баҳолаш web-карталари серияси замонавий метод ва технологиялар асосида яратилган;

ГАТ методлари асосида Оролбўйи мураккаб экологик шароитдаги ерлар ҳолатини яхшилаш ва улардан фойдаланишни оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Диссертация иши ва хулосаларининг натижалари ишончлилиги Қорақалпоғистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси кадастр агентлиги материалларидан, шунингдек, муаллифнинг тадқиқот доирасидаги шахсий кузатишлари ва изланишлари хулосаларидан фойдаланилганлиги билан изоҳланади. Шунингдек, тадқиқотлар натижасида ГАТ технологиялари асосида яратилган ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш модели ва web-карталари, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мураккаб экологик шароитдаги ерлардан самарали фойдаланишни йўлга қўйишда замонавий технологиялар ва методлар асосида ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш моделини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти мураккаб экологик шароитдаги қишлоқ хўжалиги ерларидан оқилона фойдаланиш мақсадида замонавий ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш усуллари ёрдамида ишлаб чиқилган ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш модели ва туркум карталари ердан фойдаланишни яхшилашда хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оролбўйи мураккаб экологик шароитдаги ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришда геоинформатика методларини қўллаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ГАТ дастурий таъминотлари асосида Қорақалпоғистон Республикасининг ер ресурслари геомаълумотлар базаси ва унинг таркибий қисми кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси амалиётида ер ахборот тизимини шакллантириш бўйича йўриқномани ишлаб



чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2021 йил 19 июлдаги 1117-сонли маълумотномаси). Натижада, ер ресурсларининг геоинформацион таъминотини кенгайтириш имконини берган;

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини ифодаловчи карталарни яратиш жараёнларини автоматлаштириш бўйича ишланмалари қишлоқ хўжалиги карталарини яратишда Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 30 августдаги 01/010–2387-сонли маълумотномаси). Натижада, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ерларининг ҳосилдорлиги бўйича оператив визуал маълумотлар олишга имкон яратилган;

Космик сурат ва дронлардан олинган масофадан зондлаш маълумотларини фазовий геодезик боғлаш усули орқали яратилган ўсимликларнинг нормаллашган фарқлаш индекси карталари ва ер мониторингининг такомиллаштирилган усуллари Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Кадастр агентлигининг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасида ер мониторингини ва назоратини ўтказишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 30 августдаги 01/010–2387-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги кадастр агентлиги Қорақалпоғистон Республикаси бошқармасининг 2021 йил 19 июлдаги 1117-сонли маълумотномалари). Натижада, Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурслари ҳолатини баҳолаш ва ер мониторингини ўтказишни такомиллаштириш имконияти яратилган;

Esri Story Map Series дастури орқали яратилган Қорақалпоғистон Республикаси Оролбўйи худудларининг ер ресурслари web-карталари Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида қишлоқ хўжалиги ерлари мониторингини ўтказишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 30 августдаги 01/010–2387-сонли маълумотномаси). Натижада, Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги ерларидан самарали фойдаланишда асосий маълумотнома сифатида тезкор маълумотлар билан таъминлаш имконини берган;

ArcGIS дастурида Python ва Model builder визуал дастурлаш тилларини қўллаб яратилган қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштириш модели Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида суғориладиган ерларга қишлоқ хўжалиги экин турларини оқилона жойлаштиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 30 августдаги 01/010–2387-сонли маълумотномаси). Натижада, экологик ва иқтисодий омилларни ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштириш имконияти яратилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та ҳалқаро ва 11 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 13 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 4 таси хорижий илмий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Замонавий геоинформацион, картографик усуллар асосида ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришнинг назарий ва услубий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида Оролбўйи ҳудудларидаги экологик муаммолар ва ерлардан фойдаланиш масалалари ўрганилган ва таҳлил қилинган. Унга кўра, Орол экологик вазиятининг долзарблиги ёритилган бўлиб, ушбу муаммоларни юмшатиш бўйича қатор олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ва Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастури бўйича бажарилган ишлар таҳлил қилинган, уларнинг илмий хулосалари келтирилган.


Оролбўйи минтақасидаги ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришда қишлоқ хўжалиги карталарининг роли ўта муҳим эканлиги ҳисобга олиниб, шу йўналишда ўз фаолиятини олиб борган олимлар ишлари таҳлил қилинди. Унга кўра қишлоқ хўжалиги карталарининг ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришдаги аҳамияти илмий асосланди. Карта турлари ўрганилди ва қишлоқ хўжалиги карталарининг тизими ишлаб чиқилди. Ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш учун қишлоқ хўжалиги карталарини яратишда масофадан зондлаш ва ГИС технологияларидан фойдаланиш таклиф қилинди. Тадқиқот ишида замонавий геоинформацион, картографик методларнинг ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришдаги аҳамияти назарий жиҳатдан ўрганилди ва шу асосида, геоинформацион, картографик

методларнинг таснифи ишлаб чиқилди. Бу орқали ҳар бир усулнинг ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришдаги афзалликлари, ўзига ҳослиги кўрсатилди. Шунингдек, ГАТ дастурий таъминотлари асосида тадқиқот объекти бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг маълумотлар базаси яратилди. Геомаълумотлар базасини яратишнинг умумий технологик схемаси ишлаб чиқилди.


Диссертациянинг **“Қорақалпоғистон Республикаси ҳудуди ер ресурсларининг ҳозирги ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш учун ер фонди таҳлил қилинди. Ер фонди 8 та тоифага ажратилган бўлиб, Қорақалпоғистон Республикаси ер тоифалари майдонлари диаграммаларда тасвирланди. Шунингдек, ер фонди динамикаси ўрганилди, яъни 2010 ва 2020 йиллар оралиғида ер тоифаларининг ўзгаришлари сабаблари аниқланди. Ерлардан фойдаланиш таркибини оптималлаштириш ерларни тўла қайта тиклаш жараёнини жорий этишнинг таркибий қисми ҳисобланади ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигига катта таъсир кўрсатади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштиришда меҳнат ресурсларларининг ҳолати ва жойлашувини ўрганиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Унга кўра, Қорақалпоғистон Республикасининг туманлари бўйича маҳнат ресурслари ўрганилди, туманлар аҳолиси сонининг туман умумий ер майдонига солиштириб, 1 кишига тўғри келадиган майдони, 1 кишига суғориладиган ерлар аниқланди, улар жадвал кўринишида ва картада тасвирланди. Карта маълумотлари қишлоқ хўжалиги тармоқларини оптимал жойлаштиришда зарурий восита бўлиб ўз самарасини беради.

Тадқиқот объектининг суғориладиган ҳудудларида тарқалган асосий тупроқлар турлари, уларнинг ҳолати, механик таркиби, шўрланиш даражалари ўрганилди. Суғориладиган ерларнинг шўрланганлик даражаси Қорақалпоғистон Республикаси миқёсида ўрганилди, сўнгра туманлар бўйича ва Чимбой тумани миқёсида тавсифланди ва олинган натижалар Қорақалпоғистон Республикаси тупроқ картасида тасвирланди.

Тадқиқот давомида замонавий ГАТ технологиялари орқали қишлоқ хўжалиги карталарини яратиш жараёни автоматлаштирилди. Суғориладиган ерларни сифат жиҳатдан баҳолаш карталарини яратиш жараёнларини автоматлаштириш долзарб масалалардан бири саналади. Тадқиқот ишида суғориладиган ерлар қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги карталарини тузиш бўйича ArcGIS дастурида бу ишларни автоматлаштиришга оид назарий ва амалий масалаларни ечиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Бунда визуал дастурлаш тили бўлган ModelBuilder иловаси асосида махсус модел яратилди (1-расм).




а) моделнинг ишлаш технологияси



б) моделнинг интерфейси ўзбек тилида муаллиф томонидан тузилган

### 1-расм. Қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлиги карталарини яратиш жараёнларини автоматлаштириш модели


Юқорида келтирилган модел ёрдамида қишлоқ хўжалиги экин турларининг ҳосилдорлигини аниқлаш ва уларни гуруҳлаш жараёнларини автоматлашган ҳолда амалга ошириш имкони мавжуд. Ушбу имкониятлардан фойдаланиб, Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманининг “П.Сейтов” номли массивидаги қишлоқ хўжалиги экин турларининг ҳосилдорлиги карталари тузилди (2-расм).



### 2-расм. Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани “П.Сейтов” номли массивида қишлоқ хўжалиги экин турлари ҳосилдорлиги карталари

Қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштиришда энг асосий омилларнинг бири бўлиб гидромодул районлаштириш хизмат қилади. Ушбу бобда гидромодул районлаштиришнинг назарий асослари келтирилган бўлиб, ГИС технологиялари орқали гидромодул районлаштириш технологияси ишлаб чиқилган. Чимбой тумани П.Сейтов қишлоқ хўжалиги массиви ерлари гидромодул районларга бўлинган ва уларни тавсифномаси ишлаб чиқилган. Бунда ArcGIS дастурида тупроқ турлари қатлами ва грунт сувлари ҳолати қатламлари шакллантирилди, оверлей усули ёрдамида гидромодул район ерларининг майдони гектар ҳисобида аниқланди.


Диссертациянинг “**Ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришда геоинформацион, картографик ва масофадан зондлаш усулларини қўллаш**” деб номланган учинчи бобда ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришда учувчисиз учиш аппаратларининг (дронлар) роли илмий жиҳатдан асосланди. Бунда экин майдонларни Phantom 4 Pro маркадаги дрон орқали суратга олиш ва уларни мониторинг қилиш усуллари асослаб берилган.



**3-расм. Қишлоқ хўжалиги ерларидан оптимал фойдаланишда учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш технологияси**

Ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришда, авваламбор, ерларнинг ҳолати ва ушбу ерларда содир бўлаётган ўзгаришларни аниқлаш зарур


бўлади. Ушбу бўлимда ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришда масофадан зондлаш усулларини қўллаш илмий асосланган бўлиб, бунда ГИС технологиялари ва масофадан зондлаш усулларидан фойдаланган ҳолда ер турларининг йиллар давомида содир бўлган ўзгаришларини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган (4-расм).



**4-расм. ГАТ технологиялари ва масофадан зондлаш усулларидан фойдаланган ҳолда ер турларида йиллар давомида содир бўлган ўзгаришларни аниқлаш методикаси**

Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманининг ер турлари ва ер қопламидаги ўзгаришлар масофадан зондлаш усуллари орқали аниқланди. Бунда 2010 ва 2020 йиллар бўйича Landsat 7 ва Landsat 8 космик суратлар орқали ГАТ дастурларида қайта ишлаш орқали аниқланди ва натижалари жадвал, диаграмма ва карталарда тасвирланди. Бу орқали, ҳудудда жиддий экологик ўзгаришлар содир бўлганлиги аниқланди. Шунингдек, Sentinel-2 космик сурати орқали қишлоқ хўжалигидаги экин турларининг ўсиш ҳолати вегетацион индекси (NDVI) орқали ўрганилди ва картаси яратилди. Шу муносабат билан Оролбўйи ҳудудларидаги ерлардан оптимал фойдаланиш учун ГАТ ва масофадан зондлаш усулларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асосланди.

Чимбой туманида ерлардан фойдаланиш ва ер турларининг ўзгариши 2010 ва 2020 йиллар бўйича таҳлил қилинди ҳамда картаси тузилди (5-расм).




**5-расм. Чимбой туманининг ерлардан фойдаланиш карталари (2010 ва 2020 йй.)**

Тадқиқотда Қорақалпоғистон Республикаси Оролбўйи худудининг табиий шароитлари ва ер ресурслари ҳолатини акс этирувчи web-карталар серияси ГАТ технологиялари асосида яратилган. Карталар ArcGIS 10.6 ва ArcGIS online дастурида таҳрир қилиниб, Story MAP Series web-иловаси орқали тасвирланади. ГАТ технологиялари орқали web-карталар яратиш технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу web-карталар асосида ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Яратилган ер ресурслари web-карталари интернетда қишлоқ хўжалиги фаолиятининг кўплаб муаммоларини масофадан туриб ҳал қилишга имкон беради, бу фойдаланувчилар томонидан худуднинг қишлоқ хўжалик ҳолати тўғрисида тезкор маълумотлар олишга ва шу асосида ерлардан фойдаланиш бўйича оптимал қарорлар қабул қилишда ўз самарасини беради.

Диссертациянинг **“Оролбўйи мураккаб экологик шароитдаги ерларидан фойдаланишни оптималлаштиришни такомиллаштириш масалалари”** деб номланган тўртинчи бобда геоинформацион, картографик усуллар асосида ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришнинг мантиқий модели ишлаб чиқилган. Оролбўйи худудидаги қишлоқ хўжалиги ерларининг экологик ҳолатини яхшилаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш учун ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришнинг мантиқий модели учта ўзара боғлиқ бўлган даражаларда ишлаб чиқилган (6-расм). Бунда 1-туманлар, 2-қишлоқ хўжалик массивлари, 3-фермер хўжаликлари ерларидан фойдаланиш миқёсларида оптималлаштириш бўйича тавсиялар келтирилган.




**6-расм. ГАТ технологиялари асосида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни оптималлаштириш модели**

Шунингдек, тадқиқотда геоинформацион, картографик усуллар асосида ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш ишлари такомиллаштирилган. Бунда Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманининг П.Сейтов номи массивида жойлашган фермер хўжалиги ер участкаси калит объекти сифатида олинди. Қишлоқ хўжалиги экин турларини мақбул ечимлар асосида жойлаштириш орқали қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш кўзда тутилган сценарий карталари ишлаб чиқилган. Бу ишларни амалга оширишда геоинформацион, картага олиш усуллари асосида яратилган геомаълумотлар базасидан фойдаланиб, чизиқли дастурлаш симплекс методи ёрдамида бажарилган. Оптималлаштиришнинг асосий мақсади – қишлоқ хўжалиги экин турларини етиштиришда сарфланадиган ресурсларни имкон қадар камайтириш ва ҳосилдорликни ошириш ҳисобланади. Тадқиқотда қишлоқ хўжалиги экин турларини жойлаштириш бўйича 3 хил ечим таклиф қилинган. Ечимларга қўйилган асосий чекловлар экологик ва иқтисодий омиллар ҳисобланади. Натижа сифатида ечимларнинг энг мақбули танланган ва бу орқали сув сарфи 5% га, минерал ўғитларни 3% га камайтиришга, дароматни 10% га оширишга эришилди. Ушбу яратилган оптималлаштириш модели қишлоқ хўжалиги экин турларини тўғри жойлаштиришда, экологик ва иқтисодий омилларини



ҳисобга олган ҳолда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга катта ёрдам беради.



**7-расм. Фермер хўжалиги ер участкаларини оптималлаштириш технологияси**

Бунинг афзаллиги шундаки, оптималлаштириш модели ГАТ дастурига интеграция қилинганлиги, яъни қатор чекловларни қўйиш орқали ечимлар натижаларини карталарда кузатиш ва мақбул ечимларни танлаш имкониятидадир. Ушбу тадқиқот Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой туманида жойлашган фермер хўжалиги ерларида ўтказилди ва жойнинг табиий, иқтисодий, экологик омилларини ҳисобга олиб, оптимал экин турларини жойлаштириш натижасида сарфланадиган ресурслар миқдорини имкон қадар камайтириш орқали оптималлаштиришга эришилган. Ушбу оптималлаштириш моделидан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидаги барча фермер хўжаликларда ўзининг жойлашуви бўйича табиий, иқтисодий, экологик омилларини ҳисобга олган ҳолда оптимал экин турларини жойлаштириш мумкин. Шунингдек, туманлараро қишлоқ хўжалиги экин турларини тенг ва тўғри тақсимлаш имконига эга бўлишлари мумкин.

## ХУЛОСА

“Оролбўйи мураккаб экологик шароитидаги ерлардан фойдаланишни оптималлаштиришда геоинформатика методларини қўллаш” мавзусидаги география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация иши бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари қуйидаги хулосаларни чиқаришга, тақлиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга имкон берди:

1. Қорақалпоғистон Республикаси ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларнинг ҳозирги ҳолатини ўрганиш мақсадида ер фонди таҳлил қилинди. Ер

фонди динамикаси ўрганилиб, 2010 ва 2020 йиллар оралиғида ер тоифаларининг ўзгариш сабаблари аниқланди. Бу эса ерларнинг ҳолатини ва ерлардан самарасиз фойдаланаётган ҳудудларни аниқлаш имконини берди.

2. ArcGIS дастурида тадқиқот объекти бўйича ер геомаълумотлар базаси яратилди ҳамда геомаълумотлар базасини яратишнинг умумий технологик схемаси ишлаб чиқилди.

3. Тадқиқот давомида ArcGIS 10.6 дастуридаги визуал дастурлаш тили бўлган ModelBuilder иловаси асосида махсус модель яратилди. Ушбу модел асосида Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани “П.Сейтов” номли массивининг 6 та қишлоқ хўжалиги экин турлари ҳосилдорлигини ифодаловчи карталари тузилди. Натижада қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлиги карталарини тузиш жараёнларини автоматлаштиришга эришилди.

4. Гидромодул районлаштиришнинг назарий асослари баён этилди. Илк маротаба ГАТнинг оверлай усуллари кўллаган ҳолда гидромодул районлаштириш технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технология орқали Чимбой тумани П.Сейтов номли массив ерларининг гидромодул районлаштириш картасини яратишга эришилди.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани ер турлари ва улардаги ўзгаришлар масофадан зондлаш усуллари орқали аниқланди. Бунда уни 2010 ва 2020 йиллар бўйича Landsat 7 ва Landsat 8 космик суратлари асосида ГАТ дастурларида қайта ишлаш орқали аниқланди ва олинган натижалар жадвал, диаграмма ва карталарда тасвирланди.

6. Оролбўйи ҳудудининг ер ресурслари ҳолатини акс эттирувчи web-карталари серияси ArcGIS Online ва Story Map Series дастурлари асосида яратилди. Яратилган web-карталар интернетда ерлардан самарали фойдаланишдаги кўплаб муаммоларини масофадан туриб ҳал қилишга имкон беради. Шунингдек, фойдаланувчилар томонидан ҳудуднинг ер ресурслари ҳолати бўйича тезкор маълумотларни олишга ва шу асосида ерлардан фойдаланиш бўйича оптимал қарорлар қабул қилишда ўз самарасини беради.

7. Оролбўйи ҳудудидаги қишлоқ хўжалиги ерларининг экологик ҳолатини яхшилаш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш модели ишлаб чиқилган. Бу модел асосида уч хил ҳудудий даражада белгиланган, туманлар, қишлоқ хўжалиги массивлари ва фермер хўжалиги даражасида оптималлаштириш бўйича кўрсатмалар келтирилди.

8. Геоинформацион картографик усуллар асосида ерлардан фойдаланишни оптималлаштириш такомиллаштирилди. Чимбой туманида жойлашган фермер хўжалиги ер участкаси таянч объект сифатида танланиб, қишлоқ хўжалиги экин турларини тўғри жойлаштириш орқали оптималлаштириш сценарий карталари ишлаб чиқилди. Бу ишларни амалга ошириш учун махсус методика ишлаб чиқилган бўлиб, уни оптималлаштириш ГАТ га чизикли дастурлаш симплекс методини интеграция қилиш орқали бажарилган.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ  
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ  
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

---

**НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА**

**БЕКАНОВ КУАТБАЙ КОШКАРБАЕВИЧ**

**ПРИМЕНЕНИЕ МЕТОДОВ ГЕОИНФОРМАТИКИ ПРИ  
ОПТИМИЗАЦИИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬ В СЛОЖНЫХ  
ЭКОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ ПРИАРАЛЬЯ**

**11.00.06. – Геодезия. Картография**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Ташкент – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2019.4.PhD/Gr125

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета ([www.nauka.niu.uz](http://www.nauka.niu.uz)) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Сафаров Эшжабул Юлдашович</b> доктор технических наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Аденбаев Бахтиёр Ембергенович</b> доктор географических наук <b>Ойматов Рустам Камариддинович</b> кандидат технических наук (PhD), доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии</b>

Защита диссертации состоится «28» декабря 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании разового Научного совета при Научном совете DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 по присуждению ученых степеней при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, Ташкент, ул. Университетская 4. Тел: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.niuuz@mail.ru. Факультет географии и природных ресурсов Национального университета Узбекистана).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за №160) Адрес: 100174. г. Ташкент, Университетская ул., дом 4.Тел. (+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «16» декабря 2021 года.

(Реестр протокола рассылки №36 от «16» декабря 2021 года)



**Н.И.Сабитова**

Президент Разового Научного совета по присуждению ученых степеней, д.г.н., профессор

**Ш.М.Шарипов**

Учредитель Разового Научного совета по присуждению ученых степеней, к.г.н., доцент

**З.Н.Тожиева**

Президент Научного семинара при разовом Научном совете по присуждению учёных степеней, д.г.н., профессор

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире для рационального использования земельных ресурсов применение высокоточных и ресурсосберегающих методов и технологий занимает одно из ведущих мест. За последние несколько десятилетий многие страны испытали опустынивание и деградацию земель, и в результате почти 2 миллиарда гектаров земли во всем мире стали непригодными для использования<sup>1</sup>. Учитывая это, оптимизация землепользования и внедрение технологий, повышающих их точности и скорости, являются важными задачами. В этой связи научно обоснованная оптимизация землепользования, особенно сельскохозяйственных земель, требует использования современных геоинформационных технологий и методов дистанционного зондирования для мониторинга опустыненных и деградированных земель и разработки необходимых мер.

В мире уделяется особое внимание исследованиям в этой области, особенно в области мониторинга опустыненных и деградированных земель в сложных экологических условиях, улучшение их мелиоративное состояние и совершенствование методов использования. Также, особое внимание уделяется созданию базы геоданных с использованием технологий ГИС, которые широко используются в ряде областей, созданию серии веб-карт с оценкой природных условий и земельных ресурсов, разработке модели оптимизации сельскохозяйственных земель с использованием космических снимков с дронов.

В республике осуществляются ряд мероприятий по рациональному использованию земельных ресурсов и достигаются значительные положительные результаты. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития в качестве важных задач обозначены «...принятия систематических мер по смягчению негативного воздействия глобального изменения климата и высыхания Аральского моря на развитие сельского хозяйства и жизнь населения»<sup>2</sup>. В связи с этим важно дальнейшее углубление исследований по смягчению экологической ситуации в Приаральском регионе, рациональному и эффективному использованию земельных ресурсов и использованию современных геоинформационных картографических методов при оптимизации использования земель сельскохозяйственного назначения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 17 июня 2019 года № УП-5742 «Об эффективном использовании земельных и водных ресурсов в сельском хозяйстве», в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 сентября 2020 года № УП-6061 «О

---

<sup>1</sup> <https://old.xs.uz/index.php/homepage/i-tisodijot/item/8112-erdan-samarali-va-o-ilona-fojdanish>.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

мерах по кардинальному совершенствованию системы ведения учета земли и государственных кадастров», постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-5202 от 29 июля 2021 года «О мерах по реализации специальной резолюции Генеральной Ассамблеи Организации Объединенных Наций от 18 мая 2021 года «Об объявлении региона Приаралья зоной экологических инноваций и технологий», а также других нормативно-правовых документов, связанных с этой деятельностью.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетами развития науки и технологий IV «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий» и V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

**Степень изученности проблемы.** Теоретические и методологические основы оптимизации и картографирования землепользования были разработаны R.A.Ressler, R.K.Saxena, R.M.Pofali, L.R.Hirekerur, Jun-feng, LI Chang-feng, Zhang Hong-hui, Lina Hao, Pirjo Peltonen-Sainio, И.Ю.Левицкий, В.П.Шоцкий, А.П.Золовский, Т.И.Козаченко, И.П.Заруцкая, Т.В.Верещака, П.П.Лебедев, А.В.Постников, А.Г.Костяной, А.Н.Косарев, Ф.Миклин, Н.В.Аладдин, И.Плотников а также и другие ученые, которые проводили исследования в этой области и достигли желаемых результатов.

Научно-исследовательские работы по эффективному использованию и картографированию земель Приаралья в сложных экологических условиях республики проводили: А.А.Рафиков, Т.М.Мирзалиев, Б.Жоллыбеков, Н.И.Сабитова, Э.Ю.Сафаров, Ж.С.Карабаев, А.А.Нигматов, И.А.Хасанов, П.Р.Реймов, В.А.Рафиков, А.К.Уразбаев И.М.Мусаев, Ш.М.Пренов, и другие ученые.

В указанных работах исследования по оптимизации и картографированию сельскохозяйственных земель в сложных экологических условиях Аральского моря с использованием геоинформационных методов изучены недостаточно.

Диссертация посвящена научному исследованию комплекса мер по эффективному использованию имеющихся земельных ресурсов с использованием геоинформационных технологий, дистанционного зондирования, т.е. использованию современных методов и технологий, наряду с картографическим методом оптимизации использования земель сельскохозяйственного назначения в регионе Приаралья, что отличается от вышеуказанных научных исследований.

**Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация.** Диссертационное исследование осуществлено в рамках прикладного проекта научно-исследовательского плана Национального университета Узбекистана и Каракалпакского государственного университета ФЗ-201908019 - «Разработка и

использование нозогеографических карт Республики Каракалпакстан в улучшении природно-географической ситуации» (2020-2022 гг.).

**Целью исследования** является разработка предложений и рекомендаций по рациональному, эффективному использованию и оптимизации земель в сложных экологических условиях региона Приаралья на основе современных геоинформационных, картографических и дистанционных методов.

**Задачи исследования:**

анализ состояния земельных ресурсов региона Приаралья и создание базы данных ГИС;

автоматизация процесса создания карт урожайности;

применение методов дистанционного зондирования для оптимизации землепользования и пространственной топо-геодезической привязки аэрокосмических изображений;

создание серии web-карт земельных ресурсов Приаралья;

